

**Дуснаев Ш.Э.**

*начальник отдела методологии переписи  
и по работе с картографическими материалами*

*Агентство статистики*

*при Президенте Республики Узбекистан,*

*независимый исследователь (PhD)*

*института повышения квалификации*

*кадров и статистических исследований*

*при Агентство статистики*

*при Президенте Республики Узбекистан*

## **ТЕНДЕНЦИЯ РОСТА НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Аннотация.** В данной статье быстро росло население Узбекистана в последние годы, упоминается место СНГ и мира. Выявлены тенденции изменения таких показателей, как численность населения, возрастная структура, плотность страниц, начиная с лет независимости и стабильности и до наших дней.

**Основные слова и фразы.** демографическое обеспечение, комплекс, трудоспособный возраст, шаг демографического дивиденда, критерий.

**Dusnaev Sh.E.**

*head of department of census methodology*

*and work with cartographic materials*

*of Statistics Agency*

*under the President of the Republic of Uzbekistan,*

*independent researcher (PhD)*

*advanced training institute*

*personnel and statistical research*

*under the Agency of Statistics*

*under the President of the Republic of Uzbekistan*

## POPULATION GROWTH TREND IN UZBEKISTAN

**Annotation.** *In this article, the population of Uzbekistan has grown rapidly in recent years, the place of the CIS and the world is mentioned. Trends in changes in such indicators as population, age structure, page density, from the years of independence and stability to the present day, are revealed.*

**Basic words and phrases.** *demographic provision, complex, working age, demographic dividend step, criterion.*

Дуснаев Ш.Э.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги,  
бошқарма бошлиги ўринбосари,  
Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институти  
мустақил изланувчиси

## ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ СОННИНГ ЎСИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

**Аннотация.** *Ушбу мақолада сўнги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг юқори сураътларда ўсиб бораётгани, МДҲ ва дунёдаги ўрни келтирилган. Шунингдек, мустақиллик йилларидан бугунги кунгача ҳудудларда яшаётган аҳоли, ёш таркиби ва уларнинг зичлиги каби кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари очиб берилган.*

**Таянч сўз ва иборалар.** *демографик салоҳият, баҳолаш, комплекс, меҳнатга лаёқатли ёш, демографик дивидент, босқич, мезон.*

Ҳар қандай давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда демографик жараёнларнинг ўрни катта бўлиб, аҳоли сонининг ўсиши, жойлашиши, демографик таркиби ва бошқа кўпгина муҳим жиҳатларини илмий ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки аҳоли ҳам ишлаб чиқарувчи

куч, ҳам истеъмолчи сифатида жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида режалаштирилган иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, демографик жараёнларга янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Республикадаги барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар марказида демографик вазият туради.


Демографик вазият мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараён бўлиб, мамлакат аҳолиси ўртасидаги туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш ва миграцияда ўз аксини топади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келди ва у аҳоли ўсиш суръатининг ўсиши, туғилиш даражасининг ортиши, ўлим кўрсаткичларининг камайиши, шу билан бир вақтда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг кўпайишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон МДХдаги энг юксак демографик салоҳиятга эга давлат ҳисобланиб, 2021 йилда минтақа аҳолисининг 11,9 фоизи ва Марказий Осиё минтақасининг 46,7 фоизи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келган [1].

Аҳоли сони Ўзбекистон 242 та давлат ичида 41-ўринда, МДХ мамлакатларида Россия ва Украинадан кейин 3-ўринда туради [2].

Республикаимиз аҳолиси юқори суръатда кўпаяётган давлатлар қаторига киради. 1991 йилда аҳоли сони 21 106,3 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 36 024,9 минг нафарга етган ёки 70,7 фоизга кўпайган (*2022 йил учун маълумотлар дастлабки ҳисобланади*) [3].

Доимий аҳоли сони ўртача йилига 1991 йилда - 498,6, 2000 йилда - 325,4, 2015 йилда - 552,8 минг кишига кўпайган бўлса, 2022 йилда 753,6 минг кишига ўсган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони, минг киши**

Мустақиллик йилларида (1991-2022 йиллар) доимий аҳоли сони Сурхондарё вилоятида 2,0 мартага, Қашқадарё (98,7%), Наманган (87,6%), Андижон (81,3%) ва Самарқанд (82,5%) вилоятларида юқори суръатда ўсди.

Республика аҳолисининг қарийб ярми (49,7%) Самарқанд (11,4%), Фарғона (11,0%), Қашқадарё (9,7%), Андижон (9,2%) ва Тошкент (8,3%) вилоятларида яшайди.


Аҳолининг зичлиги ҳам ортиб бормоқда, хусусан 1991 йилда 1 км.кв. ер майдонига 46,1 нафар аҳоли тўғри келган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 80,2 кишига тенг бўлган. Аҳолининг зичлиги Андижон (772,7 нафар), Фарғона (584,8 нафар) ва Наманган (405,1 нафар) вилоятларида юқори.

Аҳолининг 50,9 фоизи (18335,7 минг киши) шаҳар жойларида истиқомат қилади. Шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича олиб борилган кенг қамровли ислохотлар натижасида шаҳар аҳолиси сони 1991 йилдаги 8450,0 минг кишидан 2022 йилда 18335,7 минг кишига ёки 2,2 мартага кўпайди.

Мустақиллик йилларида (1991-2022 йиллар) қишлоқ аҳолиси сони 12656,3 минг кишидан 17689,2 минг кишига ортгани ҳолда жами аҳоли таркибида улуши 60,0 фоиздан 49,1 фоизга камайди.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли таркибида жинслар ўртасидаги нисбат деярли тенг. Республика аҳолисининг жинсий таркибида эркаклар – 50,3, аёллар 49,7 фоизни (2022 йил) ташкил этади. Мустақиллик йиллари аёллар сони 67,8 фоизга, эркакларники эса 73,6 фоизга ортган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 31,7 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик (0-15 ёш), 56,8 фоизини меҳнатга лаёқатли (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар), 11,5 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар) аҳоли ташкил этади.



**2-расм Ўзбекистонда аҳоли ёш гуруҳлари,**

%

Мустақиллик йиллари меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли сони 9117,7 минг кишидан 10 997,9 минг кишига ёки 20,6 фоизга ортди. Республика аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил қиладиган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли 2030–2050 йилларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига ўтиши ҳисобидан “демографик дивиденд” олиш имкониятини беради.

Ўзбекистонда аҳолининг асосий қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ташкил этиб, 1991 йилда уларнинг сони 10 352,9 минг кишини

ташқил қилган бўлса, 2022 йилга келиб 20 464,5 минг кишига етган ёки 97,7 фоизга кўпайган.

Ўзбекистон демографик кўрсаткичларига кўра, “илк демографик дивиденд” босқичига мансуб давлатлар қаторига киради. БМТнинг “Дунё аҳолишунослиги истиқболлари” мавзусида ўтказган тадқиқотига кўра, 2048 йилга келиб Ўзбекистон аҳолисининг энг катта қисмини (27,6 миллион нафар) меҳнатга лаёқатли фуқаролар (15-64 ёш) ташқил этади.

Жами аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг устунлик қилиши, ҳар йили меҳнат ёшига ўртача 600 мингга яқин ёшларнинг кўшилиши уларнинг иш билан бандлигини таъминлашни, янги иш ўринлари ташқил этишни тақозо этади.

1950–1965 йилларда туғилишнинг юқори даврида туғилган аҳолининг бугунги кунда қариялар сафига ўтиши ҳисобидан меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли сони юқори суръатда ўсмоқда. Жумладан, мазкур гуруҳдаги аҳоли сони 1991 йилдаги 1 635,7 минг кишидан 2022 йилда 4 128,1 минг кишига ёки 2,5 мартага, жами аҳоли таркибидаги улуши эса мос равишда 7,7 фоиздан 11,2 фоизга ортди.


БМТ демографлари томонидан қариш жараёнини баҳолаш мақсадида уч босқичли мезон ишлаб чиқилган. Унга кўра, 65 ва ундан юқори ёшдаги аҳоли улуши 4,0 фоиздан кам бўлса – демографик ёш, 4,0-7,0 фоиз бўлса – кексайиш бўсағасида, 7,0 фоиздан ошса ҳудуд аҳолиси демографик кекса ҳисобланади [4].

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш таркибида 65 ва ундан юқори ёшдагилар салмоғи 5,1 %ни ташқил этди. Демак, халқаро мезонлар бўйича Ўзбекистон Республикаси “демографик кексайиш бўсағасида”ги мамлакатлар қаторига киради.

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг юқорилиги иқтисодий ривожланиш учун демографик имконият ҳисобланади. БМТнинг Аҳолишунослик жамғармасининг молиявий кўмагида маҳаллий ва хорижий экспертлар томонидан амалга

оширилган прогноз натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2050 йилгача “демографик имкониятлар ойнаси” очик бўлади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ёш-жинс таркибидаги ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун ёш-жинс пирамидаси тузилди (1-расм).



### 3-расм. Ўзбекистонда аҳолининг ёш пирамидаси, минг киши

Ёш-жинс пирамидадан кўришиб турганидек, 1991 йил 0-4, 5-9, 10-14, 15-19 ва 20-24 ёш гуруҳидаги аҳоли сони кўпчиликни ташкил этган. 2022 йилги пирамидада эса 0-4, 25-29 ва ундан юқори ёш гуруҳидаги аҳоли сони кўп бўлган. Мазкур ҳолат қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

1. 1965-1990 йилларда республика бўйича туғилишнинг юқори кўрсаткичи қайд этилган. Жумладан, туғилишнинг умумий коэффиценти 1965 йилда – 34,7, 1985 йилда – 37,2, 1991 йилда – 33,7 промиллени ташкил этган. Мазкур йилларда туғилган аҳолининг 1991 йилда 0-25 ёшга, 2022 йилда 30-56 ёшга кирганлиги боис аҳолининг ёш таркибида мазкур гуруҳдаги аҳоли сони кўпчиликни ташкил этган.

2. Туғилишнинг камайиш тенденцияси кузатилган 1992-2006 йилларда туғилган аҳолининг 2022 йилда 15-29 ёшга кирганлиги боис 3-расмдаги пирамидада мазкур ёш гуруҳидагилар сони камайган.



### Адабиётлар рўйхати

1. <http://new.cisstat.org/>.
2. <https://gtmarket.ru/ratings/world-population>.
3. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>.
4. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya. Ўқув қўлланма.  
– Т.: Noshir, 2011. – 96 б.